

## «Asil-Non» МЧЖ 3 та янги юк автомобил сотиб олди

Тошкент шаҳри, Яшнобод туманидаги «Asil-Non» масъулияти чекланган жамияти юртимиз фуқароларига иссиқ нонларни йилнинг барча совуқ ва иссиқ кунларида бир маромда сифатли ва ҳар томонлама гигиеник талабларга жавоб берадиган янги автотранспорт воситаларида мижозларга юк ташиш хизматларини кўрсатиш фаолиятини амалга оширган ҳолда туман иқтисодиётини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб, ахолига сифатли хизмат кўрсатиб келаётган “Нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш” корхоналаридан биридир.

Жамият ўз балансига 2016 йил октябрь ойида 2 та ГБАСПГ Labo русумли юк (фургон) автомобилини ҳар бирини 42 млн. сўмдан ва 1 та Damas 2 VAN русумли юк (фургон) автомобилини 33 млн. 400 минг сўмдан жами 117 млн. 400 минг сўмга сотиб олди.

Жамият йўлга чиқиш олди тиббий кўриқдан ўтиш ҳамда автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш ишларини Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, А.Қодиров кўчаси 30-йида амалга оширади.

Техник назорат пунктида навбатчи механик, нозимхона, тиббий ходим хонаси, ҳаракат хавфсизлиги мухандиси хонаси, қоровулхона мавжуд.

Навбатчи механик хонада ҳар куни автомобилларни ишга чиқиши ва қайтишини назоратга олиш учун барча асбоб-анжомлар билан тўлиқ жихозланган.

Эслатиб ўтамиз, жамият шаҳримизнинг ахолисини оғирини енгил, узоғини яқин қилиш ва иссиқ нон маҳсулотларини ўз вақтида мижозларга етказиш учун олинган янги юк автомобилларини ишлатиш мақсадида, 2016 йил 27 сентябрь куни юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ташиш учун 1 йил муддатга лицензия варақаси билан таъминланди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати